

1638/4351 – عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: بَعَثَ عَلِيُّ بْنُ أَبِي طَالِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنَ الْيَمَنِ بِذَهَبِيَّةٍ فِي أَدِيمٍ مَقْرُوظٍ، لَمْ تُحْصَلْ مِنْ تَرَاهَا، قَالَ: فَفَسَمَهَا بَيْنَ أَرْبَعَةِ تَفَرٍّ: بَيْنَ عُيَيْنَةَ بْنِ بَدْرِ، وَأَفْرَعِ بْنِ حَابِسٍ، وَزَيْدِ الْخَيْلِ، وَالرَّابِعِ: إِمَّا عُلْقَمَةَ، وَإِمَّا عَامِرَ بْنَ الطَّفَيْلِ، فَقَالَ رَجُلٌ مِنْ أَصْحَابِهِ: كُنَّا نَحْنُ أَحَقُّ بِهَذَا مِنْ هَؤُلَاءِ، قَالَ: فَبَلَغَ ذَلِكَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَ: أَلَا تَأْمُنُونِي وَأَنَا أَمِينٌ مِنْ فِي السَّمَاءِ، يَأْتِينِي خَبْرُ السَّمَاءِ صَبَاحًا وَمَسَاءً قَالَ: فَقَامَ رَجُلٌ غَائِرُ الْعَيْنَيْنِ، مُشْرِفُ الْوَجْنَتَيْنِ، نَاشِزُ الْجَبْهَةِ، كَثُّ اللَّحْيَةِ، مَخْلُوقُ الرَّأْسِ، مُشَمَّرُ الْإِزَارِ، فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ اتَّقِ اللَّهَ، قَالَ: وَيَلْكَ، أَوْلَسْتُ أَحَقَّ أَهْلِ الْأَرْضِ أَنْ يَتَّقِيَ اللَّهَ؟ قَالَ: ثُمَّ وَلَّى الرَّجُلُ. قَالَ خَالِدُ بْنُ الْوَلِيدِ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَلَا أَضْرِبُ عَنْقَهُ؟ قَالَ: لَا، لَعَلَّهُ أَنْ يَكُونَ يُصَلِّي. فَقَالَ خَالِدٌ: كَرِمٌ مِنْ مُصَلٍّ يَقُولُ بِلِسَانِهِ مَا لَيْسَ فِي قَلْبِهِ، قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِيَّيْ لَمْ أَوْمَرَ أَنْ أَتَقَبَّ قُلُوبَ النَّاسِ وَلَا أَشُقَّ بُطُونَهُمْ. قَالَ: ثُمَّ نَظَرَ إِلَيْهِ وَهُوَ مُقَفِّ، فَقَالَ: إِنَّهُ يَخْرُجُ مِنْ ضَيْضِي هَذَا قَوْمٌ يَتْلُونَ كِتَابَ اللَّهِ رَطْبًا، لَا يُجَاوِزُ حَنَاجِرَهُمْ، يَمْرُقُونَ مِنَ الدِّينِ كَمَا يَمْرُقُ السَّهْمُ مِنَ الرَّمِيَّةِ – وَأَظْنُهُ قَالَ – لَعِنْ أَدْوَانَهُمْ لِأَقْتَلَنَّهُمْ قَتْلَ ثَمُودَ.

1638.4351. Абу Саъид Худрий розияллоху анху айтади:

«Алий ибн Абу Толиб розияллоху анху Ямандан Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга қараз* билан ошланган терида тупроғи ажратилмаган кичик бир парча тилла жўнатди. У зот уни тўрт киши: Уяйна ибн Бадр, Акраъ ибн Ҳобис, Зайд Ал-Хайл ўртасида тақсимладилар, тўртинчиси ё Алқама, ёки Омир ибн Туфайл эди. Шу пайт у зотнинг саҳобаларидан бир киши: «Бунга анавилардан кўра биз ҳақлироқ эдик», деди. Бу гап Набий соллаллоху алайҳи васалламга етиб борди. Шунда у зот: «Сизлар менга ишонмайсизларми?! Ахир мен самодаги Зотнинг амийни бўлсам, менга эрта-ю кеч осмон хабари келиб турса?!» дедилар. Шунда икки кўзи ичига ботган,

икки ёноғи бўртган, дўнгпешона, серсоқол, тақирбош, изорини шимариб олган бир киши туриб, «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳдан қўрқинг!» деди. У зот: «Шўринг қурсин! Ахир мен ер аҳлининг Аллоҳдан қўрқишга энг ҳақлиси эмасманми?!» дедилар. Ҳалиги киши ўгирилиб кетди. Холид ибн Валид: «Эй Аллоҳнинг Расули, унинг бўйнига қилич урайми?» деди. У зот: «Йўқ! Балки у намоз ўқир», дедилар. Холид: «Қанчадан қанча намозхонлар борки, қалбида бўлмаган нарсани тилларида айтишади», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен одамларнинг қалбларини кавлашга ёки қоринларини ёриб кўришга буюрилган эмасман», дедилар. Кейин (ҳалиги киши) ўгирилиб кетаётганида унга қараб туриб: «Бунинг пуштидан бир қавм бўлади. Улар Аллоҳнинг китобини нозил бўлган ондагидек ўқишади, бироқ у уларнинг бўғзидан нарига ўтмайди. Улар диндан ўқ сайддан* отилиб чиқиб кетгандек чиқиб кетишади», дедилар. Менимча, у зот яна: «Агар уларни топсам, Самуднинг қатлидек* қатл қилажакман», дедилар».

* Қараз - майда баргли, ёнғоққа ўхшаш, катта дарахт. Унинг баргидан тайёрланган модда ёрдамида ошланган терилар энг яхши терилар ҳисобланган.

* Сайд - овланган ҳайвон.

* Яъни Самуд қавми буткул ҳалок қилинганидек, уларни ҳам таг-туғи билан йўқотиб ташлар эдим, демоқчилар.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI